# ЯНГИ ТАРИХИЙ ДОСТОНЛАРНИНГ ЖАНР БЕЯГЫЯАРИ

**А.Турсунқулов ф.ф.н**

**Ф.Ҳайдарова ЖДПИ Магистранти.**

XX асрда узбек халк достончмлиги янги боскичга кутарилди. Ижтимоий хаётдаги тарихий узгаришлар кадимдан баркарор аньаналарни сакдаб келаётган халк достоычилигнни шакл ва мазмун жихатидан узгаришига олиб келди. Бунинг яна бир сабаби шуролар давридаги мафкуравий карашларнинг халк шоирлари хаётига ва ижодига хам таъсири билан белгилаяади. Киска давр ичнда Фозил шоирнинг “Жшзах кузголони” ‘Очилдов", “Маматкарим полвон’ Пулкан шоирнинг “Мардикор*' каби достонлари ярагилди.

Тарихий достошарнин узига хос хусусиятларидан бири бахшининг куз унгида руй бераётган вокеа-ходисаларнинг досгонга .объект килиб олиниши, яьни достоннинг асосини тарихий материаллар ташкил килншидир. Ьу тарихий материаллар достонга адабий факт сифатида сингдирилади (I, 95-бег).

Бахши узи кўрган билган вокеаларни достонга тасвир объекти қилиб олар экан, шу тасвирланаёгган вокеа-ходисаларнинг хикояси хам бахшининг иш булади. Яьни бу достонларда бахши шахси асосий образлардан бири даражасига кутарилади. Бу ўринда бахши хдм хикоячи, ҳам жонли гувох функциясини бажаради. Чунки бахши тирик инсон сифатида булиб утган вокеа-ходисаларнинг куплар катори жонли гувоҳи булса-да, санъаткор сифатида уларни гузал ва ёркин бадиият билан дўмбира купила хикоя килиб бериши керак. Демак, тарихий достонларда бахши образи икки хил куринишда булиши мумкин. Уларнииг биринчисида бахши хикоя килаётган вокеа-ходисаларнинг жонли гувохи булса, иккинчисила ана шу тасвирланаётган. вокеаларнннг иштирокчиси тарзида намоён булади (2, 131-бет).

Биринчи турдаги достонларда бахши хикоя килинаётган вокеаларни билган, эшитган. курган булиши мумкин. Шунинг учун бу вокеаларнннг хикоячиси сифатида вокеаларга, образ ва персонажларшшг харакатига уз муносабатини билдириб боради. Масалан, “Жиззах кузголони'' достонида бу хол яккол кузга ташланади. Бу асарлар учун характерли фазилатлардан бири бахшиларнинг куз унгида руй бераётган реал вокеаларни хикоя килишдир. Фозил шоирнинг “Жиззах кузголони' “Маматкарим полвон’* достонларида тасвирланган вокеа-ходисалар бахши яшаган даврда булиб

утган. Фозил шоир бу вактда бахши сифатида анчагина шухрат козониб, Самарканд, Жиззах атрофларида достон, терма куйлаб. достончи сифатида танилган эди. Ана шу эл ораснда юриш бахши учун куп вокеаларни куришга. эшитишга имкон берди. айникса. халкнинг бу вокеаларга муносабатини кузатиш уларнинг диди ва дунёкарашига мос келадиган асар яратиш учун кат та ёрдам берди.

Иккинчи турдаги тарихий достонларда тасвирланаётган вокеа- ходксаларни хам бахши курган, эипптан. Лекин бу типдаги достонларда бахши факат тасвирланаётган вокеа-ходисаларнинг жонли гувохигина эмас, балки айрим Уринларда кштирокчиси хам саналади. Бахшининг бу иштирокн баъзи достонларда бошдан охиригача давом этиб асарнинг йуналишиии белгиласа, баъзиларида айрим лавха, эпизодларда акс этади. ГГулкан шоирнинг “Мардикор'* достони автобиографик характерга эта булса хам, лекин жанр талабларига тулик жавоб бермайди. Достонда тарихий вокеаларни бадиийлаштиришга иштиёк; анча кучли булганлиги сабабли, бу асарни тарихий достонлар сафига киритиш мумкин.

Хапк достонлари учун муайян умумийлик касб этувчи хусусиятлардан бири достой кахрамонларининг ижтимоий келиб чикиши, яшаш жойи, миллати, баъзи холларда. хатто уруги хакида хам маълумот бериш, яъни асар кахрамонларининг биографиясини тулдиришдир. “АлпомипГ достони шундай бошланади: “Кадим утган замонда, ун олти кунгирот элида Добонбий дег..н утди. Добонбийдан Алпинбий деган угил фарзанд пайдо булди. Алпинбийдан тагин икки угил пай до булди: катгасининг отини Бойбури, кичкинасининг отини Бойсари куйди'Т3,21-бет). Халк достонларидаги кахрамонларнинг биографиясини тасвирловчи бадиий мотив янги тарихий достонларга хам кучган. Фозил шоир “Маматкарим полвон” достонида шундай кириш сузни айтади: “Маматкарим полвон уруги КУнгирот булиб. Жонбойда. Бекат кишлогида тугилган эдн" (4, 19-бет). Ёки “Очилдов" достонида Очил хакида: “Самарканднинг кунчикар бетидан, Куштамгали найман уругидан Очил Журабой угли чикиб../' (4. 141-ост) деб биографиясининг мухим нукталарини эслатиб утади. Чунки аксарият янги тарихий достонлар кахрамонлари узларининг протипларига эга. Бу хол янги тарихий достонларнинг жанр белгиларидан бирини ташкил килади. Тарихий достонларга хос ана шу тасвир хам, баркарор анъаналар хам бахши шокр бадииятини, махоратини белгиловчи асосий омиллардан хисобланади.

Хуллас, янги тарихий достонлар бахши образининг тасвирланаёттан вокеа-ходисаларнинг жонли гувохи, хикоячиси, баъзи холларда эса иштирокчиси тарзида намоён булади. Шу билан бирга. бу Т1шдаги достонлар бахшининг бадиий махоратини.

бадихагуйли гани. новаторлик санъатини кай даражада узлаштирганлиги хакида хам маълумот бериши билан кизикарлидир.

Фойлаланган алабкёглар:


1. Мирчаев Т. Халк оахшиларининг 'тик репертуара. Т. 1980.
2. Очилов Т. "Маматкарим полвотГ достонининг тарихий асосларн. Фозил шоир. тадкикотлар. Ш китоб. Т. 1973.
3. Алпомнш. -Т. 1991.
4. Даотагул. Узбек халк огзаки ижоди Куп томлнк. Т 1965.